O'zbekiston Respublikasi
Oliy va O'rta Maxsus Ta'lim Vazirligi

Toshkent Davlat
Iqtisodiyot Universiteti

O'zbekiston Respublikasi
Intellektual Mulk Agentligi

O'ZBEKISTON
SAVDO-SANOAT
PALATASI

# САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

мавзусидаги Республика
илмий-амалий
**КОНФЕРЕНЦИЯ**
материаллари тўплами

## II қисм

2013 йил, 5 март

Тошкент - 2013

| | | |
|---|---|---|
| Газиев М. | Межгосударственное регулирование валютной ликвидности | 205 |
| Джанадилов Ш. | Суғурта компаниялари рақобатбардошлигини оширишда интернет-суғуртанинг аҳамияти | 207 |
| Жўраев С., Сапиев Н. | Фаол инвестициявий сиёсатни олиб бориш мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришнинг асосий омили | 208 |
| Исмаилов З. | Пути повышения эффективности инвестиционных проектов | 209 |
| Қалбаева М. | Кредит операциялари аудитида молиявий таҳлил усулларини қўллашнинг услубий жиҳатлари | 211 |
| Киреева А. | Важность информационного обеспечения экспертизы инновационных проектов | 214 |
| Комилов Ш. | Финансовый аудит как направления повышения финансовой устойчивости | 216 |
| Кучаров А., Бердиёров Д., Боқижонов Ш., Курганов А. | Ўзбекистон Республикасида божхона тўловларини такомиллаштириш масалалари | 217 |
| Курпаянниди К., Ойматов А. | Важность оценки иновационной деятельности промышленных предприятий | 219 |
| Қодирова Н. | Кредит ташкилотларининг электрон банк хизматлари бозоридаги инновацион фаолияти | 221 |
| Мамаджанова З., Уйгунов К. | Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ташқи савдо ва тўлов балансларининг аҳамияти | 222 |
| Мирахмедов Д. | Маҳаллий қурилиш материаллари бозори фаолиятини бошқаришнинг хусусиятлари | 224 |
| Мухамадиев Ж. | Тўлов баланси ва уни давлат иқтисодиётидаги аҳамияти | 226 |
| Насреддинов Ф., Каримов И. | Саноат корхоналарини техник ва технологик қайта жихозлашда тижорат банклари кредитларининг хусусиятлари | 228 |
| Пардаева Б. | Ўзбекистонда иш ҳақи даражасини табақалаштиришни такомиллаштириш | 229 |
| Пулатов Н., Тожихўжаева Д. | Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш йўллари | 231 |
| Пулатов У. | Обоснование резервов повышения эффективности инновационной деятельности и их классификация | 232 |
| Ражапов Ж. | Корхонада молиявий режалаштиришнинг замонавий услубиёти | 233 |
| Райимов Ш., Муминов О. | Роль инноваций в развитии туризма | 235 |
| Ризаев Н., Матмуратов А. | Суғурта ташкилотлари даромадлари ва харажатлари ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари | 237 |
| Салихов С., Рахимов Д., Юсупходжаев У., Шодиева Н. | Озиқ-овқат саноатида топинамбур туганаги кукунини трансфера қилиш | 239 |
| Темиров А., Тошев С. | Иқтисодий ночор корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва молиявий соғломлаштиришда банк тизимининг аҳамияти | 240 |
| Тоймухамедов И., Рихсибоев Р. | Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш муаммолари | 241 |
| Толипов Ш. | Ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш орқали тадбиркорликни юксалтириш | 243 |
| Қаххоров Г, Тўхлиев Б. | Меҳнат бозорида ҳудудий ахборот тизимларини жорий этиш – иқтисодиётнинг ахборот секторини интенсив ривожлантириш омили сифатида | 245 |
| Тўраев А., Асадов Д | Корхоналарда ички назоратни самарали ташкил этиш йўллари | 247 |
| Тўраев А., Эшонкулов Л. | Ўзбекистон Республикасида ички аудит миллий стандартларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш | 249 |
| Убайдуллаева Л. | Формирование системы управления рисками в авиакомпании в современных условиях | 251 |
| Уйгунов К. | Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида халқаро савдонинг аҳамияти | 253 |
| Умарова М., Максумова Х. | Аҳолининг тижорат банкларига депозитлари динамикаси ва вариацияси масалалари | 254 |
| Холмуродов С., Нуриддинов С. | Корхона ва ташкилотларда ҳақ тўлаш тизимини бошқариш | 255 |
| Холмуродов С., Темиров Д. | Меҳнат ресурсларини бошқариш самарадорлиги | 257 |
| Юсупов Р., Гулматов С. | Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида молия тизими ва уни тартибга солиш механизмлари | 258 |
| Юсупов Р., Сулаймонов Д. | Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда бозор иқтисодиётининг ўрни | 260 |
| Yakubov U., Ismadiyarov I. | Mamlakatimizda nobank muassasalar va ular faoliyating rivojlanish xususiyatlari | 262 |

моносахаридлар фруктоолигосахарид, аксил, гемицеллюлоза ҳамда кўп миқдордаги микроэлементлар учрайди. топинамбур кукунини жавдар ва буғдой унларидан тайёрланган нон хамирига қўшилганда хамирни ошириш тезлигини кузатувчи вариантга нисбатан 25-30 минутга камайган. Тайёрланган нон таркибидаги умумий азотни миқдорини оқсил ва аминокислоталар миқдорини ўзгаришига қараб ошганлиги аниқланган ва клетчатка ҳамда кул миқдори ошган. Нонни қотиш вақти 5-6 соатга ортган. Ўтказилган илмий-тадқиқот ишларни натижаларига кўра топинамбурни "Файз-барака" нави туганакларидан олинган шарбатдан чиқинди сифатидаги шротдан фойдаланиб қўшимча қиймат яратиш ва тайёрланган жавдар ва буғдой унини турли навлари аралашмасидан тайёрланган нонларга топинамбур кукунидан фойдаланиб қандли диабет, атеросклероз касалликлари учун парҳезли нон тайёрлаш мумкин. Топинамбур туганагидан шарбат олингандан сўнг уни чиқиндисини қуритиб, тегирмонда майдалаб, 0,22 мм элакдан ўтказиб тайёрланган кукуни нонвойчилик саноатида биоқўшимча сифатида фойдаланиш натижасида тайёрланган нон маҳсулотлар структураси, нон мағзининг ғоваклиги яхшиланади, қотиб қолиш тезлиги камаяди, профилактик йўналишига қаратилган янги маҳсулот ассортименти билан бир қаторда қўшимча қиймат яратилади. Бу эса маҳсулотларни таннархини камайишини таъминлайди.

## Иқтисодий ночор корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва молиявий соғломлаштиришда банк тизимининг аҳамияти

и.ф.н. Темиров А.,
маг. Тошев С. – ТДИУ

2008 йилда юзага чиққан жаҳон молиявиқтисодий инқирозининг республикамизга таъсирини юмшатишда паст рентабеллик ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилишга қаратилган ишлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизда инқирозга қарши чоралари дастури, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4058-сонли ва 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётимининг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги ПФ-4058-сонли Фармонларида белгиланган вазифаларнинг ижроси изчил амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда тижорат банклари томонидан жами 168 та иқтисодий ночор корхоналар банк балансига қабул қилинган бўлиб, ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан 388 млрд сўмлик инвестициялар киритилди ҳамда фаолияти тикланган корхоналарнинг 120 таси янги мулкдорларга сотилди. Шу тариқа фаолият кўрсатишга лаёқатли, илгаригига қараганда технология жиҳатдан анча юқори даражада ишлайдиган, фаолияти қайта тикланган



корхоналар янги инвесторлар эътиборини тобора ўзига тортмоқда. Инвесторлар ҳозирги пайтда бундай корхоналарни тижорат банкларидан фаол сотиб олмоқда.

Умуман олганда тижорат банклари олинган ҳолда фаолияти тикланган корхоналарда жами 1,7 трлн. сўмлик маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилди ва шундан 480,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. "Бизнинг иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўллаган ноанъанавий ёндашувимиз ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди, деб бугун тўла асос билан айтишимиз мумкин"[77].

2013 йилда ҳам тижорат банклари балансидаги фаолияти тикланган корхоналарнинг янги мулкдорларга сотиш ишлари олиб борилмоқда ҳамда 11 та корхона ишлаб чиқарилиши йўлга қўйиш бўйича технологик линияларни тиклаш, қурилиш-таъмирлаш, янги ускуналар ўрнатиш ва модернизациялаш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари балансига олинган молиявий нобарқарор ва иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш ва стратегик инвесторларга сотиш ишларини давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Шу жумладан, тижорат банки балансидаги корхоналарда инвестицияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш, янги иш ўринларини яратиш ва маҳсулотлар (иш, хизмат) ишлаб чиқариш бўйича прогноз кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш; тижорат банклари балансидаги корхоналарни тиклаш ва сотиш жараёнига салоҳиятли, шу жумладан, хорижий инвесторларни жалб қилишда тижорат банкларининг бошқарувчи компаниялари фаолиятини янада кучайтириш; янги инвесторларга сотилган корхоналар бўйича олди-сотди шартномаларида белгиланган тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини таъминлашни амалга ошириш лозим.

Фикримизча, бундай ёндашув келгусида ҳам тижорат банкларининг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни қайта тиклаш ишларида энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Бунинг натижасида эса тижорат банклари пировард натижада қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлади.

## Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш муаммолари

доц. Тоймухамедов И.,
маг. Рихсибоев Р. – ТДИУ

Бозор муносабатларига ўтиш ва мазкур муносабатлар билан фаолият кўрсатиш шароитида тижорат банклари ўртасида бозорни эгаллаш бўйича ракобат кучаймоқда. Бу эса мижозлар учун, депозитлар учун, банклар ўртасидаги кредитлар ва бошқа кредит ресурсларини жалб килиш учун курашни кучайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ҳукм сураётган ҳозирги кунда банк тизимини ривожлантириш масалаларига Президент И.Каримов томонидан

[77] Каримов И.А. 2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Халқ сўзи. 20.01.2012 й.